

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Фаргона шаҳар 1-сонли  
шифохона бош врачи

Рустамов Акмал Акрамович



## Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун

### ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

#### Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йурикнома
- II. Техник кисм
- III. Нархлар кисми

#### ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

##### 1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлаш предмети: Фаргона шаҳар 1-сонли шифохонасига захира учун озик-овкат махсулоти етказиб бериш

1.2. Танлаш киймати ; картошка -300 кг 1 410 000 Бир миллион турт юз ун минг сумни ташкил этади. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган. Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади

1.4. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сунг 10 иш куни давомида буюртмачи томонидан курсатилган манзилларга тулик етказиб беришни таъминлаш.

1.5. Махсулотни олиб келиш муддати - шартнома Газначилик булимида руйхатдан утказилгандан сунг томонларнинг келишувига асосан 10 кун муддат ичida етказиб берилиши шарт. (бунда: об-хаво ёки шунга ухшаш холатлар урганилади).

##### 2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фаргона шаҳар 1-сонли шифохонасига (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фарғона шаҳар Аэропорт кучаси 26-йй

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлаш Фаргона шахар 1-сонли шифохонаси - “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар хамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлаш предмети кийматининг камидаги 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлаш предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. куйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳдмда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танлашлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган махсулотлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, махсулотларни етказиб бериш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

• Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5. Танлаш иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган хужжатларнинг хакицийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тугрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлаш утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш хужжатлари коидаларини танлаш утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишига хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишига хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари буйича шартнома танлаш хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.